



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**



**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА
УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами
(2025 йил 24 декабрь)*

Тошкент – 2026

UDK: 343.9:340.13

ВВК: 67.51

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий кенгашининг
2026 йил 27 мартдаги 4-сон йиғилишида муҳоама қилинган ҳамда нашр этишга тавсия
этилган.*

Жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг долзарб масалалари: **Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2025 йил 24 декабрь)**. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти. – Т., 2026 йил, 252 бет.

Масъул муҳаррир:

Б.Э. Бердиалиев – Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бошлиғи, ю.ф.ф.д (PhD), полковник.

Тақризчилар:

Д.Ю. Пайзиев – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

У.И. Мирзатиллаев – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Нашрга тайёрловчилар:

Х.Т. Одилқориев, А.П. Тураев, У.Ж. Чориев, М.А. Аълохонов, Б.Н. Нормуродов.

Мазкур тўпламда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг масалалари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда жиноятчилик профилактикаси соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали ташкил этиш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш масалалари ёритилган. Шунингдек, конференция материалларида соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар баён этилган.

Тўплам ҳуқуқ-тартибот органлари таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мустақил изланувчилари, талаба ҳамда курсантлари, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Пайзиев Дилшат Юлдашбаевич,

Криминология институти, етакчи илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси¹, Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларациясининг 11-модда² ҳамда Жиноят-процессуал кодекснинг 23-моддаси³га мувофиқ, “жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминланади” – дея таъкидлаб ўтилган.

Мазкур асосий қоидалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ушбу мазмундаги тахлили қуйидаги манзарани кўрсатди. Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисм моддаларида 49 (қирқ тўққиз) мартаба “айбдор” атамаси қўлланилган. Мазкур ҳолатларнинг тахлили юзасидан “айбдор” сўзини мантиқий, ҳуқуқий ва мазмуни жиҳатидан ўз ўрнида, тўғри қўллаш лозим деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 4-моддаси. Қонунийлик принципининг иккинчи қисмида, ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмайд туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги қоидаси белгиланган. Шу билан биргаликда айтиш жоизки “айбдор” атамаси жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи-назаридан суд томонидан айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги ҳолатини ўзида қамраб олади. Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмининг қатор моддаларида “айбдор” атамаси мантиқий, ҳуқуқий ва мазмуни жиҳатидан ўринсиз қўлланилган. **Жумладан, ЖКнинг 20-моддаси.**

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, [Электрон манба] // <https://lex.uz/docs/6445147/> (мурожаат қилинган вақт: 10.02.2026).

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 11 моддаси, [Электрон манба] // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights/> (мурожаат қилинган вақт: 15.02.2026).

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 361-м. // [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/> (мурожаат қилинган вақт: 20.02.2026).

Айбнинг шакллари, ЖК 54-модда. Жазо тайинлашнинг умумий асослари, ЖК 56-модда. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, биринчи қисм, “а”, “г”, “ж” бандлари, ЖК 57-модда. Енгилроқ жазо тайинлаш, учинчи қисми, ЖК 57¹-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш, ЖК 58-модда. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш, ўнинчи қисми, ЖК 64-модда. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш, учинчи қисми, ЖК 66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, ЖК 72-модда. Шартли ҳукм қилиш ва ЖК 87-модда. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш⁴ моддалари шулар жумласидандир. Масалан, Жиноят кодексининг 20-моддаси. Айбнинг шакллари тушунчасида қонуншунос томонидан кодексда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мазкур нормадаги тушунчанинг мазмуни юқорида таъкидлаб ўтилган, қонунийлик принципидаги, ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги қоидасига нисбатан зид тушунчадир ҳамда жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи-назаридан суд томонидан айблов ҳукми қонуний кучга кирганлик ҳолатини ўзида қамраб олмайди. Шу билан биргаликда Жиноят кодексининг 64-моддаси. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш моддасининг учинчи қисми ҳамда Жиноят кодекси 66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш турларида “айбдор” атамаси мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий жиҳатдан ўринсиз ифодаланган.

Мазкур ҳолатлар, яъни шахснинг айблилик ҳолати, даражаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мазмун ва ҳуқуқий жиҳатдан ўринли ва тўғри ифода этилган. Хусусан,

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/> (мурожаат қилинган вақт: 05.03.2026).

Жиноят-процессуал кодексининг 44-боби. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, 361-модда биринчи қисм, Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради⁵. Шунингдек, қонунчиликда суд тергови жараёнларида ҳам айбланаётган шахс айбдор эмас, балки, судланувчи мақомида иштирок этиши белгиланган.

Мазкур ҳолатлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига муайян атамаларни сўзма-сўз шарҳлаш ҳамда мантиқ қоидаларига таянган ҳолда, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида кодекснинг Умумий ва Махсус қисмлари тегишли моддаларида “айбдор” сўзини “айбдор”, “айбланувчи”, “айбланаётган” сўзлари билан ўзгартиришни таклиф этамиз.

Шу билан биргаликда мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш йўналишида жиноят қонуни нормаларида коллизия ҳолатларини кузатиш мумкин. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида жиноят ҳуқуқи соҳасида учраётган зиддиятлар, номувофиқликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарорининг 4-бандида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда муҳокамага киритиш белгиланган⁶.

Зеро, ушбу кодексларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаларини яратиш, концептуал ғояларни ишлаб чиқиш, шунингдек мавжуд ҳуқуқий институтларни замон талабларига мос равишда такомил-

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 361-м. // [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/> (мурожаат қилинган вақт: 05.03.2026).

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/> (мурожаат қилинган вақт: 08.02.2026).

лаштириш бўйича илгари суриладиган таклифлар норма ижодкорлиги фаолияти учун долзарб амалий аҳамият касб этади. Жиноят қонунчилигида учраётган айрим юридик терминларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан ўз ўрнида тўғри қўллаш кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади.

Хусусан Жиноят кодексидаги “жиноий жавобгарлик” атамаси. Таҳлилларнинг кўрсатишича, “жавобгарлик” атамаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида⁷ 127 (бир юз йигирма етти) маротаба қўлланилган. Бироқ, Жиноят кодексида ушбу атамани қўллаш борасида ягона ёндашувга амал қилинмаган. Хусусан, Жиноят кодексида ушбу атамани қўллаш борасида қуйидаги ёндашувлар мавжуд: биринчи ёндашув: “жавобгарлик” атамаси – 127 (бир юз йигирма етти) маротаба қўлланилган; иккинчи ёндашув: “жиноий жавобгарлик” атамаси – 12 (ўн икки) маротаба қўлланилган; учинчи ёндашув: “жиноят учун жавобгарлик” атамаси – 6 (олти) маротаба ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”нинг 1.4-бандида ЖКда қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш белгиланган⁸.

Фикримизча, Жиноят кодексида мазмуни ниҳоятда кенг тушунча бўлган “жавобгарлик” атамасининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, жавобгарлик атамаси ўз таркибига юридик жавобгарликнинг барча турларини (жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик, интизомий жавобгарлик) қамраб олади. Шу билан биргаликда Жиноят кодексида жиноят учун жавобгарлик атамасини ҳам қўлланилишини маъқуллаб бўлмайди.

Жиноят кодекси нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, муайян тушунчани қонунда ягона ёндашув асосида ифодалаш мақсадида Жиноят кодексидаги “жавобгарлик”,

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/> (мурожаат қилинган вақт: 08.03.2026).

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/> (мурожаат қилинган вақт: 05.03.2026).

“жиноят учун жавобгарлик” атамаларини “жиноий жавобгарлик” атамаси билан ўзгартиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жиноий жавобгарлик тушунчасига қонунда қуйидагича таъриф берилган. Хусусан, Жиноят кодексининг 16-моддаси. Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари⁹га кўра, жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноят кодексининг ушбу нормалари бўйича қуйидагиларни қайд этиш жоиз:

Биринчидан, ЖК 16-моддасининг рус тилидаги матнига кўра, “ответственность за преступление есть правовое последствие совершения общественно опасного деяния, выражающееся в осуждении, применении наказания или других мер правового воздействия судом к лицу, виновному в совершении преступления. Основанием ответственности является совершение деяния, содержащего все признаки состава преступления, предусмотренного настоящим Кодексом”.

Кўриниб турибдики, жиноий жавобгарлик Жиноят кодекси 16-моддасининг ўзбек тилидаги матнида жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати эканлиги, ушбу модданинг рус тилидаги матнида ижтимоий хавfli қилмиш содир этишнинг ҳуқуқий оқибати эканлиги қайд этилган. **Жиноят кодексининг 2-моддасида** ушбу Кодекс ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаши, **Жиноят кодексининг 9-моддасида** шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши, **Жиноят кодекси 91-моддасида** тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий ҳолати бузилган, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/> (мурожаат қилинган вақт: 02.03.2026).

хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, жиноий жавобгарликка жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати сифатида эмас, балки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг ҳуқуқий оқибати сифатида қараш лозим (*ЖК 16-моддасининг рус тилидаги матнида кўрсатилганидек*). Чунки, руҳий ҳолати бузилган, жиноий жавобгарлик ёшига етмаган, айби бўлмаган шахс жиноятни эмас (*жиноятнинг субъекти бўла олмайди*), ижтимоий хавфли қилмишни содир этган деб ҳуқуқий баҳоланади. Шу ўринда мутахассисларимиз томонидан мунтазам равишда таъкидлаб келинаётган муаммонинг нақадар долзарб эканлиги яна бир бор ўз исботини топади, яъни аксарият ҳолларда қонунларнинг рус тилида ёзилиб, ўзбек тилига таржима қилиниши рус тилидаги матннинг тўғри¹⁰, ўзбек тилидаги (*давлат тилидаги*) матннинг нотўғри бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар амалдаги Жиноят кодексининг Умумий ҳамда Махсус қисм моддаларида кузатилади.

Иккинчидан, Жиноят кодексининг 16-моддасида “бошқа ҳуқуқий таъсир чораси” тушунчаси қўлланилган. Бу эса, ушбу тушунчанинг мазмунини тушунишда қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Хусусан, “бошқа ҳуқуқий таъсир чораси” тушунчаси ЖКда 6 (*олти*) маротаба қўлланилган. Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” номли саккизинчи бўлимига кўра, **бошқа ҳуқуқий таъсир чораси** деганда, жазо ҳисобланмайдиган, лекин Жиноят кодексидан назарда тутилган чора (*вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари*) тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 174-моддаси. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари¹¹ га кўра, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари таркибига: шартли ҳукм

¹⁰ Қаранг: *Ражабов Б.А.* Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б.7.; *Ражабов Б.А.* Жиноят процессида исбот қилишнинг умумий шартлари: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.34.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: // <https://lex.uz/docs/163629> (*мурожаат қилинган сана: 10.03.2026*).

қилиш; тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари; вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари кириши белгиланган.

Кўринибтурубдики, миллий қонунчиликда таҳлил қилинаётган тушунчанинг номланиши бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, ушбу тушунча Жиноят кодексида **“бошқа ҳуқуқий таъсир чораси”** деб номланган бўлса, Жиноят-ижроия кодексида **“бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси”** деб номланган. Шунингдек, ушбу тушунчанинг мазмуни Жиноят кодексида вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ифодалаши қайд этилган бўлса, Жиноят-ижроия кодексида шартли ҳукм қилиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини ифодалаши белгиланган.

Фикримизча, мазмуни анча кенг бўлган **“бошқа ҳуқуқий таъсир чораси”** тушунчасини қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ушбу тушунчанинг мазмуни миллий ҳуқуқ тизимининг барча соҳаларида назарда тутилган ҳуқуқий таъсир чораларини ўз ичига қамраб олади. *Шунга кўра Жиноят кодексида “бошқа жиноят – ҳуқуқий таъсир чораси”* тушунчасини қўлланилишини қўллаб – қувватлаш мумкин.

Юқоридагилар асосида ҳамда хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқи соҳасидаги коллизияларнинг ҳолатларнинг бартараф этилиши республикада юридик таълим ва фанни ривожланишида, шунингдек, қонунларнинг таҳлил натижалари, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳужжатларга татбиқ этилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади деб ҳисоблаймиз.

МУНДАРИЖА:

Ш.У. Якубов – Парламент томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг устувор йўналишлари	3
И.Т. Тультеев – К вопросу систематизации законодательства в области предупреждения преступности	10
Х.Т. Одилқориев – Жиноятчилик профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари	17
Ш.Н. Бердияров – Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти	22
Ж.М. Азамов – Янги таҳрирдаги Конституция асосида конституциявий қонунлар тизимини такомиллаштириш	33
Ш.Ш. Ҳасанов – Хорижий давлатларнинг кибержиноятларга қарши курашни ташкил этиш ва бошқариш тажрибалари	40
S.R. Risqiboyeva – Ayollar mehnat migratsiyasining sotsiologik sabablari va omillarining nazariy asoslari	47
А.П. Тураев – Ҳуқуқни амалга ошириш: назарий-ҳуқуқий моҳияти ва юридик механизмларини такомиллаштириш	56
М.А. А'лохонов – Kriminologiyada ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirishdagi muammolar	60
Н. Одиллов – WWW (World Wide Web) дунёнинг янги ахборот майдони ва унинг тарихий йўли	67
У.А. Ирисбеков – Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги товламачилик учун жавобгарлик белгиланган нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили	74
С.А. Исаев – Незаконный оборот огнестрельного оружия: глобальные тенденции, региональные особенности и вызовы международной безопасности	83
У.И. Мирзатиллаев – Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлашда асосий вазибалари	95
К.А. Рихсимов – Озодликдан маҳрум қилиш институтининг тарихий-ҳуқуқий ривожланиши	99
А.С. Кодиркулов – Обеспечение безопасности и сохранение целостности медиа-пространства, перспективы и законодательство	104
О.В. Ким – Нормативно-правовая ситуация в Узбекистане в области борьбы с наркоситуацией	110
М.Ҳ. Абдирасулов – Ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими	116

Ж.М. Мирахмедов – Босқинчилик жиноятларини олдини олишга қаратилган илмий-амалий тадбирлар	121
Н.У. Сайфуллаев – Жиноят процессуал қонунчилигида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашнинг ҳақиқатни аниқлашдаги ўрни хусусида . . .	131
Ш.К. Раимбердиев – Киберкоррупция: рақамли инқилоб шароитида янги коррупциявий ҳодисанинг назарий ва амалий таҳлили	141
М.Х. Ахмеджанов – Оиладаги зўравонлик: тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва унинг олдини олиш механизмлари	146
М.Т. О‘сарбойев – Axborot texnologiyalari sohasida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashda huquqbuzarliklar profilaktikasi usullarining ahamiyati	150
М.А. А‘лоxonov – Zamonaviy kriminologiya: yangi yondashuvlar, nazariyalar va amaliy yo‘nalishlar	155
М.А. Sattarov – О‘zgalar mulkini talon-taroj qilish bilan bog‘liq jinoyatlarni fosh etish tushunchasi va tasnif	162
Д.Ю. Пайзиев – Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг айрим масалалари	171
Ш.Х. Юлдашев – Контрабанда жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари	178
В.Н. Normurodov – Latent jinoyatlari ommalashuvining davlat va jamiyat rivojiga salbiy ta’siri	186
У.Ж. Чориев – Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари: назарий-методологик таҳлил	188
У.Х. Сайдалиев – Интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш	201
А.А. Хамидов – “Ўта шафқатсизлик билан” содир этилган жиноятларнинг тадрижий ривожланиши ва ретроспектив таҳлили	210
Қ.А. Нурметов, А.П. Тураев – Маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштиришда ислохотлар стратегияси ва босқичлари	224
И.Э. Тўраев – Интернет тармоғининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи ҳамда асосий тушунчалар	233
Ж.У. Мирзаев – Маҳкумларни реинтеграция қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	240
Д.Э. Эгамбердиева – Қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг роли	245

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА
УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами
(2025 йил 24 декабрь)*

Муҳаррир:

Б.А. Яров – филология фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти,
100187, Тошкент ш., Буюк ипак йўли кўчаси, 243.